

ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИ БАХТСИЗ ХОДИСАЛАРДАН ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда - Оферта) “КАFOLAT sug‘urta kompaniyasi” АЖнинг кейинги ўринларда - Суғурталовчи) номаълум доирадаги жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда - суғурта қилдирувчи) йўлланган куйидаги суғурта шартларида Ўқувчи ва талабаларни бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурта қилиш шартномасини Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида тузиш таклифи бўлиб ҳисобланади. Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи суғурта шартномасининг тарафлари ҳисобланади.

Мазкур Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суғурта полиси юборилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларига кўра суғурталанган ўқувчи ва талабаларни ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланади. Суғурталанган шахслар Суғурта полисида кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) Оферта шартларини Қабул қилиш деб ҳисобланади, ва бу билан куйидагиларга розилик билдирилади:

- ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда кўрсатилган суғурта қилиш шартлари;
- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш тўғрисида хабар бермасдан), автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш орқали 5 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида, шунингдек суғурта Шартномасини бажариш мақсадида, ички иш юритишни учинчи шахсларга топшириш.

Ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари Суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқи ва муомала лаёқатини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг Интернет-ресурси орқали суғурта Шартномасини тузиш натижасида ўзига юклатилган мажбуриятлар учун жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини онлайн режимида тузиш учун Суғурта қилдирувчи электрон почта манзили ва ёки мобил телефон рақамига эга бўлиши шарт.

Суғурталаш учун ариза бўлиб Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган барча маълумотларни киритиш ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 62-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва суғурта Шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари хавфсизлигини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Кейинги ўринларда матнда келтирилган “Оферта”, “Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” ҳаволалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

I. Умумий шартлар.

Ушбу Офертада ишлатиладиган айрим атамалар куйидаги маънони англатади:

Суғурталовчи – Суғурта шартномасига асосан суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини олган юридик шахс – “KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ.

Суғурта қилдирувчи – Ушбу Офертага биноан, ўзининг ёки учинчи томоннинг мулкый манфаатларини суғурта қилдирувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурталанган шахс – Офертада/суғурта полисида кўрсатилган ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ мулкый манфаатлари суғурта объекти бўлган ҳамда унинг (агар суғурта шартномасида (суғурта полисида) наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса) фойдасига суғурта шартномаси тузилган жисмоний шахс.

Наф олувчи – Офертага биноан суғурта таъминотини олувчи сифатида Суғурта қилдирувчи томонидан тайинланган жисмоний ёки юридик шахс. Агар Офертада Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса, Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда Наф олувчи сифатида Суғурталанган шахснинг қонуний меросхўрлари тан олинади.

Суғурта полиси - Суғурталовчи мажбуриятларининг кучга кирганини тасдиқлайдиган ва Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

Бахтсиз ҳодиса – Суғурталанган шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бехосдан, қисқа вақт ичида ташқаридан инсон танасига таъсир этиб шикастловчи, баъзи ҳасталикка ва (ёки) ўлимга олиб келувчи ҳодиса.

Суғурта ҳодисаси – Ушбу Офертада кўзда тутилган ва у содир бўлиши билан суғурталовчининг суғурта қилдирувчига суғурта пули тўловини амалга ошириш мажбурияти келиб чиқадиган юз берган воқеа;

Суғурта суммаси (пули) – Суғурталовчининг Офертага мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи олдидаги мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси.

Суғурта таъминоти - Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурталанган шахсга соғлиғини тиклаш учун суғурта суммаси (пули) доирасида тўланадиган пул миқдори.

Суғурта тарифи – суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофотини аниқлаш нормативи. Суғурта пулининг ҳажмига нисбатан мутлақ пул кўринишида ёки суғурта пулидан фоиз ҳисобида белгиланади.

Суғурта мукофоти – Мазкур Офертада белгиланган тартибда ва муддатларда Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

Суғурта муддати – Мазкур Оферта амал қиладиган давр. Суғурталовчи суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврида содир бўлган суғурта ходисалари бўйича мажбуриятларни бажаради.

Географик ҳудуд - Суғурталовчининг мажбуриятлари амал қиладиган ҳудуд.

II. Суғурта ходисалари

2.1. Суғурта ходисаларига куйидагилар киради:

а) заҳарли ўсимликлар, кимёвий моддалар, дори-дармонлар, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан тасодифан кучли заҳарланиш, суяк чиқиши ёки синиши (патологик суяк синиши бундан мустасно), куйиш, совуқ уриши, электр токи уриши, қисилиб қолиш, кана энцефалити (кана энцефаломиеелити) ёки полиомиелит билан касалланиш (башарти бу ходисалар суғурта амалда бўлган даврда юз берган бўлса) натижасида Суғурталанган шахснинг саломатлиги турғун бузилиши, яъни шикастланган органи ишининг бузилиши;

б) шикастланган аъзонинг иши бузилишига сабаб бўлмаган суяк чиқиши, синиши, мушак, пай, пайчанинги буткул узилиши, ички органларнинг шикастланиши, юзнинг юмшоқ тўқималари куйиб, жароҳатланиб ёки совуқ уриб косметик жиҳатдан сезиларли даражада чандиқлар ёхуд пигмент доғлари ҳосил бўлиши, бош мия чайқалиши, шунингдек тана ва оёқ-қўлларнинг юмшоқ тўқималари шикастланиб анча

катта чандиқлар ёки кенг пигмент доғлари юзага келиши, тишларнинг тушиб кетиши, кулоқ пардасининг эшитиш қобилияти пасайишига олиб келмайдиган даражада тешилиши, кўзнинг кўриш қобилияти пасайишига олиб келмайдиган даражада чуқур жароҳатланиши натижасида соғлиқнинг бузилиши;

в) Суғурталанган шахснинг мазкур қоидаларнинг 3.1. банди «а» кичик бандда кўрсатилган сабаблар туфайли ва нафас олиш йўлларига тасодифан бегона нарса кириб қолиши, чўкиш, анафилактик шок, иссиқ уриши, организмнинг ҳаддан ташқари совиб кетиши натижасида вафот этиши (шамоллаш касалликларидан вафот этиши бундан мустасно).

2.2. Мазкур қоидаларнинг 2.1. банди “а”, “б”, “в” бандларида қайд этилган ҳодисалар кейинги матнларда “жароҳат” деб юритилади.

III. Истиснолар

Қуйидагилар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

а) Суғурталанган шахс томонидан спиртли ичимлик, гиёҳванд ёки заҳарли моддалар таъсирида маст ҳолатда содир этилган хатти-ҳаракатлар, шунингдек суриштирув органлари ёки суд атайлаб қилинган жиноят белгилари борлигини аниқлаган хатти-ҳаракатлар натижасида;

б) суриштирув органлари ёки суд томонидан Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс) суғурта ҳодисасини келтириб чиқаришга қаратилган ва суғурта ҳодисаси юз беришига олиб келган атайлаб содир этилган жиноят белгилари мавжудлигини аниқлаган хатти-ҳаракатлари оқибатида;

в) Суғурталанган шахснинг спиртли ичимлик, гиёҳванд ёки заҳарли моддалар таъсирида маст ҳолатда транспорт (улов) воситасини бошқариши ёхуд уни бошқаришни спиртли ичимлик, гиёҳванд ёки заҳарли моддалар таъсирида маст ҳолатдаги шахсга ёки ушбу транспорт (улов) воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси бўлмаган шахсга топшириши натижасида;

г) Суғурталанган шахснинг фуқаролар ғалаёнлари, урушда ёки уруш ҳаракатларида бевосита иштирок этиши оқибатида;

д) Инфекцион касалликлар билан касалланганда, бундан мазкур қоидаларнинг 2.1. бандда кўрсатилган суғурта ҳодисалари мустасно.

IV. Суғурта пули, суғурта мукофоти ва уни тўлаш тартиби.

4.1. Суғурта пули Суғурта қилдирувчи томонидан электрон аризани тўлдириш жараёнида танланган ва Суғурталовчининг мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси. Мазкур Офертага мувофиқ Суғурта пули 12 000 000 сўмни, суғурта мукофоти 30 000 сўмни ташкил этади.

4.2. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

4.3. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

4.4. Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олгандан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

4.5. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини суғурта полиси серияси ва

рақами тўғрисидаги ва суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

4.6. Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

4.7. Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

4.8. Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

V. СУҒУРТА ПОЛИСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ. СУҒУРТА ПОЛИСИНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. СУҒУРТА ПОЛИСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

5.1. Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига сотув ва суғурта хизматларини кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжатдир;

5.2. Суғурта Шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлари асосида шакллантирилади;

5.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризининг талаб қилинган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда тўлдиради;

5.4. Суғурта қилдирувчи аризадаги ҳужжатларнинг аслига тўғри ва бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, аризадаги ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига тўғри келмаса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли эканлигига розилик билдиради;

5.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта Шартномаси (суғурта полиси)га киритилади;

5.6. Офертада таклиф қилинган суғурта шартлари билан рози бўлса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва суғурта Шартномасини тузиш тўғрисидаги Аризани (кейинги ўринларда Ариза) онлайн режимда Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали тўлдиришга ўтади;

5.7. Аризани тўлдиришда суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун Суғурталовчи учун аҳамиятли ва зарур бўлган барча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши шарт;

5.8. Ариза тўлдирилганидан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачаси очилади;

5.9. Суғурта Шартномасининг томонлари Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полиси олинганлиги суғурта Шартномаси (суғурта полиси)ни тегишли тарзда имзолаш деб ҳисобланишини тасдиқлайдилар;

5.10. Ушбу Офертани қабул қилиш ва суғурта Шартномасини тузиш санаси Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги тасдиқланган сана ҳисобланади;

5.11. Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг бошланиши) суғурта мукофоти тўланганидан сўнг кучга киради ва тўланган давр учун амал қилади.

VI. Суғурта шартномасининг тугаши ва муддатидан илгари бекор қилиниши.

6.1. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда тугайди:

6.1.1. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

6.1.2. Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули миқдоридаги суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини бажарганда;

6.1.3. Суғурта қилдирувчи вафот этганда (IV бандда кўрсатилган ҳолатлар бўйича);

6.1.4. Жисмоний шахс бўлган Суғурта қилдирувчи қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз ёки ҳуқуқий муомалага лаёқати чеклаб қўйилган деб топилганда;

6.1.5. Суғурталовчи қонунда белгиланган тартиб ва қоидалар бўйича тугатилганда;

6.1.6. Суд қарорига кўра суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб тан олинганда;

6.1.7. Агар суғурта шартномаси/полисида битта Суғурталанган шахс назарда тутилган бўлса, мазкур Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта ҳодисасидан ташқари бошқа ҳолатларда вафот этган бўлса.

6.2. Томонлардан бири суғурта шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқса, бу тўғрисида иккинчи томонни 30 (ўттиз) кун аввал ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6.3. Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

6.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.5. Суғурта шартномасини тузиш вақтида Суғурта қилдирувчининг қилаётган ишини аҳамиятига тушунмаганлиги ёхуд унинг фуқоролик лаёқати бўлмаганлиги ёки чекланганлиги кейинчалик, суғурта даврида маълум бўлса, суғурта шартномаси тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

VII. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

7.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.1.1. Суғуртага тегишли бўлган масалалар бўйича Суғурталовчидан шартнома (суғурта полиси) амал қилиш даври ичида тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар олиш;

7.1.2. Йўқотилган суғурта полиси ўрнига унинг дубликатини олиш.

7.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

7.2.1. Суғурта шартномасини (суғурта полисини) тузиш пайтида аризада кўрсатилган суғурталанган шахс тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумот бериш;

7.2.2. Суғурта шартномасида (суғурта полисида) белгиланган муддатда ҳисобланган суғурта мукофотини тўлаш.

7.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

7.3.1. Суғурта шартномасини (суғурта полисини) тузишда Суғурталанган шахс бўйича берилган маълумотларни, шунингдек Суғурта қилдирувчи томонидан шартнома талаблари бажарилишини текшириш;

7.3.2. Суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолда зарур бўлса мутасадди ташкилотлардан ушбу ҳодисага тегишли бўлган маълумотларни олиш;

7.3.3. Қуйидаги ҳолларда суғурта пули тўлашни рад этиш:

- Суғурталанган шахснинг соғлиғи тўғрисида Суғурта шартномаси тузилаётган вақтда ёлғон маълумотлар берилган бўлса;

• Рўй берган суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурта шартномасида (суғурта полисида) кўрсатилган муддатларда хабар берилмаган бўлса.

7.4. Суғурталовчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

7.4.1. Суғурта шартномасида белгиланган муддатда Суғурта қилдирувчига суғурта полисини ёзиб бериш;

7.4.2. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта пулини тўлаш;

7.4.3. Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасидаги муносабатнинг махфийлигини таъминлаш.

VIII. Суғурта пулини тўлаш тартиби ва шартлари

8.1. Суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурта таъминоти Суғурта қилдирувчига (тан жароҳати олган тақдирда – “KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ томонидан тасдиқланган “Суғурта ҳодисалари муносабати билан тўланиши лозим бўлган суғурта пули миқдорини аниқлаш жадвали”га асосан суғурта пулига нисбатан белгиланган фоиз ҳажмида), ёки Наф олувчига (Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда – суғурта пули миқдорида) тўланади. Суғурта шартномаси амал қилган даврдаги бир ёки бир неча ҳодиса бўйича жами тўловлар ҳажми суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта пули миқдоридан ошмаслиги шарт.

8.2. Суғурталанган шахс муомала лаёқатига эга бўлгандан сўнг 30 (ўттиз) иш куни ичида ёзма ариза ва талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

8.3. Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта таъминотини олиш учун Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиши шарт:

а) ариза;
б) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
в) суғурта полиси;
г) бахтсиз ҳодисани тасдиқловчи ҳужжатлар;
д) ҳодиса ва жабрланганлик тўғрисида мутасадди ташкилотдан (ДЙХХдан йўл транспорт ҳодисаси тўғрисида) тегишли маълумотнома;

е) даволаш-профилактика муассасасининг бахтсиз ҳодиса натижасида беморни даволаш бўйича стационар ёки амбулатор тиббий картасидан кўчирма. Лозим бўлган ҳолда Суғурталовчи, суғурта таъминотини тўлаш масаласини ҳал қилиш учун керак бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.4. Суғурталанган шахснинг суғурта шартномаси амалда бўлган даврда вафот этиши муносабати билан суғурта пулини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

- ариза;
- Суғурталанган шахснинг вафоти тўғрисидаги нотариал тасдиқланган гувоҳнома нусхаси;
- Суғурта полиси нусхаси;
- Наф олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

8.5. Алоҳида ҳолатларда суғурта ҳодисасини аниқлаш учун ҳужжатларга далолатномалар, мутасадди ташкилотларнинг тегишли ҳужжатлари илова қилиниши мумкин.

8.6. Тўлаб бериладиган суғурта пули қуйидагича:

8.6.1. Мазкур қоидаларнинг 2.1 бандининг “а” ва “б” қисмларидаги суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурта пули Суғурта қилдирувчига «KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi» AJ томонидан тасдиқланган «Суғурта ҳодисалари муносабати билан тўланиши лозим бўлган суғурта пули миқдорини аниқлаш жадвали»га асосан суғурта пулига нисбатан белгиланган фоиз ҳажмида тўлаб берилади;

8.6.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) амал қилган даврдаги бир ёки бир неча ҳодиса бўйича жами тўловлар ҳажми суғурта шартномасида (суғурта полисида) кўрсатилган суғурта пули миқдоридан ошмаслиги шарт;

8.6.3. Мазкур қоидаларнинг 2.1 банднинг «в» бандида кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда (Суғурталанган шахс вафот этганда) 100 % миқдорда суғурта пули тўлаб берилади.

8.7. Суғурта пули суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида ариза берилган кундан ва барча маълумотлар тақдим этилгандан сўнг 10 (ўн) банк куни ичида тўлаб берилади.

8.8. Суғурта пули суғурта пулини олувчининг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ўтказиб берилади.

8.9. Суғурта ҳодисаси бўйича қонунчиликда кўрсатилган тартибда кўшимча текширув ўтказилса, жинорий иш очилса, суд жараёни билан боғлиқ бўлган ҳолларда текширув жараёни тугагунига қадар Суғурталовчи томонидан суғурта пули тўлаб берилиши кечиктирилиши мумкин.

8.10. Суғурта шартномасининг (суғурта полисининг) амал қилиш даврида Суғурталанган шахснинг соғлиги туғрисида Суғурта қилдирувчи томонидан ёлғон маълумотлар берилганда Суғурталовчи томонидан суғурта пулини тўлаб бериш рад этилиши мумкин.

8.11. Суғурталовчининг суғурта пулини тўлашни рад этиш туғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

8.12. Суғурталовчининг суғурта пулини тўлашни рад этишига қарши унга нисбатан судда даъво қўзғатиш йўли билан эътироз билдирилиши мумкин.

8.13. Агар шартномада (суғурта полисида) наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома (суғурта полиси) бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

sug'urta kompaniyasi

IX. Томонларнинг жавобгарлиги.

9.1. Олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки қониқарсиз бажарганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра жавобгарликка тортиладилар.

X. Форс-мажор.

10.1. Форс-мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

10.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари (зилзила, ер силжиши, бўрон, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий –иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва ҳоказолар) форс-мажор ҳолатига киради.

10.3. Форс-мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

10.4. Агар форс-мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор ҳолати тугагандан сўнг давом эттирилади.

XI. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

11.1. Ушбу Оферта асосида амалга ошириладиган суғурта бўйича келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви асосида, мақсадга эришилмаган ҳолда эса

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

11.2. Мазкур ОФертада қайд этилмаган ҳолатлар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосланадилар.

ХII. Бошқа шартлар.

12.1. Суғурта шартномасида ва ушбу Қоидаларда келтирилмаган барча ҳолатларни ҳал этиш учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянадилар.

12.2. Суғурта шартномасига киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.

Суғурталовчининг реквизитлари: Тўлиқ номланиши:

“KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ Aksiyadorlik jamiyati

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 13А-уй. Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс/электрон почта):
www.kafolat.uz, info@kafolat.uz

Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 999.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: №960718 серияли, Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар милдлий агентлиги томонидан 2025 йил 13 августда берилган.



KAFOLAT
sug'urta kompaniyasi